

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУРАХИМОВА ЛОЛА АНВАРОВНА**

**ТАШҚИ СЕКРЕТОР ЕТИШМОВЧИЛИК БИЛАН КЕЧУВЧИ  
СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТЛАРНИНГ ФЕНОТИПИК КЕЧИШ  
ҲУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Абдурахимова Лола Анваровна**

Ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали  
панкреатитларнинг фенотипик кечиш хусусиятлари ..... 3

**Абдурахимова Лола Анваровна**

Фенотипические особенности течения хронических панкреатитов с  
внешнесекреторной недостаточностью ..... 27

**Abdurahimova Lola Anvarovna**

Phenotypic features of chronic pancreatitis  
with exocrine insufficiency..... 49

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works ..... 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУРАХИМОВА ЛОЛА АНВАРОВНА**

**ТАШҚИ СЕКРЕТОР ЕТИШМОВЧИЛИК БИЛАН КЕЧУВЧИ  
СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТЛАРНИНГ ФЕНОТИПИК КЕЧИШ  
ҲУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib173 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хамраев Аброр Асрорович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Мирвосит Мирвосикович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Собиров Максуд Атабаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-14.)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси тиббиёт фанлари  
доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг кўпгина давлатларида ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатит (СП) оқибатида касалланиш ва ногиронлик кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Қатор олимларнинг изланишларида «...сўнгги ўттиз йил давомида сурункали панкреатитлар билан касалланиш кўрсаткичининг икки баробар ошиши кузатилиб, турли давлатлар аҳолиси ўртасида учраш даражаси 0,2%-0,68% ни ташкил қилади. Меъда ичак йўли касалликлари билан касалланган 6-8% беморларда ташхисланади. Ривожланган мамлакатларда сурункали панкреатитнинг ўртача 39 ёшли беморларда учраши, беморлар орасида аёллар улушининг 30% га ошиши...»<sup>1</sup> қайд этилган. СП гастроэнтерологиянинг мураккаб муоммоларидан бири бўлиб, кўп сонли илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилишига қарамасдан, ҳозирги давргача ушбу касалликнинг патогенези тўлиқ аниқланмаган.

Жаҳонда СПни ташхислаш муоммоси ҳозирги давргача тўлиқ хал қилинмаган бўлиб, гастроэнтерологияда эрта ва аниқ ташхислашда ўзига хос томонларини амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада меъда ости безининг (МОБ) зарарланишининг ёндош аъзолар касалликлари билан умумий белгиларга эга бўлганлиги сабабли аниқ клиник белгиларни ажратишда қийинчиликларни инобатга олган ҳолда сурункали панкреатит билан касалланган беморларда ташқи секретор етишмовчиликка (ТСЕ) хос сўраб-суриштириш маълумотлари ва кўздан кечиришда аниқланган белгиларни таҳлил қилиш, клиник ва биокимёвий маълумотларни ўзаро солиштириш, панкреатик эластаза ва экзокрин етишмовчиликка хос белгиларнинг корреляцион алоқасини баҳолаш, анамнестик ва фенотипик белгилар асосида ташхислаш мезонларини ва башорат кўрсаткичларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли орасида турли хавфли касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сурункали касалликларни эрта ташхислаш ва диспансер назоратига олиш жорий қилинмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига

<sup>1</sup> Сереброва С.Ю. Хронический панкреатит: современный подход к диагностике и лечению // Приложение РМЖ «Болезни органов пищеварения», 2008. - №1 – С. 30-32.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

юкланмоқда.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда сурункали панкреатит билан касалланган беморларда ташқи секретор етишмовчиликни олдини олиш, умумий амалиёт шифокорлари ва тор доирадаги мутахассислар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ва хавф омилларини бартараф этиш ҳамда эрта ташхислашни янада такомиллаштириш аҳоли орасида сурункали панкреатитни камайтириш билан бир қаторда ташқи секретор етишмовчиликни олдини олиш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бизнинг юртимизда ҳам дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби сўнгги йилларда ташқи секретор етишмовчиликни ўрганиш доирасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтга келиб СПни ташхислаш ва даволашда эришилган муваффақиятларга қарамасдан, ушбу касаллик оғир асоратларга олиб келиши ва ҳатто ўлим кўрсаткичларининг ошишига сабаб бўлмоқда. (Hammer H.F., 2010). Замонавий қарашларга кўра СП ошқозон ости безининг юқумли бўлмаган яллиғланиш касаллиги бўлиб, кўпинча оғриқ синдроми билан ассоцирланади ва МОБнинг паренхимаси ҳамда чиқарув йўллариининг қайтмас морфологик ўзгариши, аъзонинг фаолият юритувчи тузилмаларининг бириктирувчи тўқима билан алмашилиши каби ўзгаришлар билан фарқланади. Бу ўз навбатида МОБнинг экзокрин ва эндокрин функциясининг бузилишига олиб келади. (Маев И. В., Кучеряевый Ю.А., Андреев Д.Н., 2014).

МОБнинг ташқи секретор етишмовчилиги турли хил касалликларда хусусан СПда кузатилади ва ўз навбатида ферментлар ишлаб чиқарилишининг умумий ёки хусусий жиҳатдан камайиши натижасида келиб чиқиб, кўп ҳолларда уларнинг ингичка ичакда фаоллашишининг бузилиши билан изоҳланади. Ферментлар танқислиги (мальдигестия) билан кечувчи МОБ нинг дисфункцияси натижасида кўпинча овқат моддалари сўрилишининг бузилиши (мальабсорбция) ривожланади. МОБ ташқи

секретор етишмовчилигининг ривожланиш механизмлари турли хиллиги билан фарқланади. Ферментлар ишлаб чиқарилишининг пировард сусайиши билан изоҳланувчи мутлоқ панкреатик етишмовчилик ва ичакда ферментлар фаоллигининг бузилиши билан боғлиқ нисбий етишмовчилик фарқланади. СП ва МОБ функционал ҳолатини ташхислаш гастроэнтерологиянинг долзарб муоммоларидан бири бўлиб, лаборатор ҳамда асбобий текширув усуллари натижаларига асосланган ҳолда баҳоланади. Қонда панкреатик ферментлар ( $\alpha$ -амилаза, липаза, трипсин ва унинг ингибиторлари) миқдорини аниқлаш орқали аъзонинг органик зарарланишига, ацинар хужайралар шикастланишига изоҳ бериш мумкин, лекин бу ёндошув МОБнинг ташқи секретор етишмовчилигини тўлиқ акс эттириши номаълум бўлиб келмоқда.

Сўнги вақтларда адабиётларда СПнинг ташқи секретор етишмовчилик билан кечишига бағишланган изланишларларга доир маълумотлар салмоғи ортмоқда. СП билан касалланган беморларда МОБ нинг ташқи секретор етишмовчилиги ташхис қўйилгандан сўнг ўртача 12 йилдан сўнг ривожланиши кузатилади (Layer P., Yamamoto H., Kalthoff L. et al. 2009). ТСЕ ҳолатида патологик ўзгаришлар қуйидаги тартибда ривожланади: мальдигестия, мальабсорбция, стеаторея ва беморлар овқатланиш статусининг бузилиши (мальнутриция). Шунингдек, асоратларнинг ривожланиши мутахассислар томонидан доимий тиббий назорат ва дори воситалари билан узлуксиз даволашни талаб этади.

Ўзбекистонда ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатит билан касалланиш сонининг ошиши ҳамда аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ кузатилиши Ф.И. Ҳамрабаева (2017) томонидан қайд этилган.

Юқорида кўрсатилган омилларни инобатга олган ҳолда, экзокрин етишмовчилик ҳолатининг нисбатан кўп учраши ва беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир қилиши, ташхислашдаги қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида бизда қуйидаги муаммони ечимини топишга ташқи секретор етишмовчиликнинг анамнестик ва фенотипик хусусиятларини ўрганиб, ташхислаш мезонларини ва башоратлаш стратегиясини ишлаб чиқишга асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ «Касалликлар профилактикаси, дифференциал терапия усуллари ҳамда ташхислашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек хавф омилларининг таъсири» (2015-2018 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали панкреатитнинг ташқи секретор етишмовчилик хусусиятлари ва унинг ривожланиши билан асоцирланган хавф омилларига боғлиқ ҳолда ташхислаш ва олдини олиш тамойилларини оптималлаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

СП билан хасталанган беморларда аҳамиятли хавф омилларни, ТСЕга қаратилган ташхислаш усуллари ва клиник кечиш хусусиятларини ретроспектив таҳлил қилиш;

касалликни келтириб чиқарувчи хавф омилларига боғлиқ ҳолда клиник кечиши ва ташқи секретор етишмовчилик ҳолатини баҳолаш;

СП билан касалланган беморларда МОБнинг ташқи секретор етишмовчилигини ташхислаш мезонлари асосида шкала ишлаб чиқиш;

ташқи секретор етишмовчиликнинг ривожланиши бўйича хавф омиллари асосида башорат бериш харитасини ишлаб чиқиш;

ТСЕ билан кечувчи СПнинг мақсадга йўналтирилган профилактик чора тадбирлар мажмуасини ва диспансер назорати босқичларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникасида рўйхатдан ўтган ташқи секретор етишмовчилиги бўйича текширувдан ўтган турли фенотипик белгилар кузатилган 100 нафар сурункали панкреатитли беморлар ҳамда СП билан касалланган 607 нафар беморларнинг касаллик тарихи ва 1800 нафар беморларнинг амбулатор харитаси маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва зардоби, нажаси, биокимёвий, панкреатик эластазага доир тадқиқотлар материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида умумклиник, копрологик, биокимёвий, фенотипик, асбобий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

сурункали панкреатитда ташқи секретор етишмовчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи эфферент ҳолатлар, зарарли одатлар ва овқатланишга доир хавф омиллари билан ўзаро боғлиқлик кўрсаткичлари асосланган;

умумий амалиёт шифокорларининг кундалик амалиётида қўллаш жиҳатидан қулай бўлган “Сурункали панкреатитда ташқи секретор етишмовчиликни баҳолаш мезонлари” шкаласи ишлаб чиқилган;

беморларда кузатилган эфферент омиллар, бетартиб овқатланиш ҳамда зарарли одатларнинг мавжудлиги каби хавф омилларининг учрашига асосланган, ТСЕни ривожланиши ва кечиши бўйича башоратлаш харитаси таклиф қилинган;

сурункали панкреатитни ташхислаш, олдини олиш ва диспансер кузатуви тамойиллари бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика турлари ҳамда диспансеризация босқичларини мақсадли амалга ошириш такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сурункали панкреатит билан касалланган беморларда меъда ости безининг экзокрин етишмовчилигига олиб келувчи хавф омиллари баҳоланган;

ташқи секретор етишмовчиликни эрта ташхислаш имконини берувчи анамнестик ва фенотипик кўрсаткичлар таҳлилий жиҳатдан умумлаштирилган;

умумий амалиёт шифокорлари ва тор доирадаги мутахассислар учун ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитни эрта ташхислаш мезонлари тавсия этилган;

ташқи секретор етишмовчилик ривожланиши ва кечишининг прогностик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

сурункали панкреатитни олдини олиш, беморларни олиб бориш ва диспансер назоратига олиш босқичларига доир тамойиллар шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган тадқиқот ишида қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, фенотипик, биокимёвий ва инструментал ҳамда статистик усулларига таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти СПнинг клиник белгилари, хусусан анамнестик ва фенотипик аломатларига балли шкала ёрдамида берилган миқдорий ҳамда хусусиятларига йўналтирилган ёндошув асосида даражалаш соғлиқни сақлаш тизими амалиётига ташқи секретор етишмовчиликни самарали ташхислашга имкон берувчи манба сифатида хизмат қилиши билан ажралиб туради. Шунингдек, СП авж олишидаги хавф омиллари, уларнинг ТСЕни ривожланишидаги аҳамияти ҳамда касалликни кечишида башорат бериш имконининг яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти СПни бирламчи, иккиламчи ҳамда учламчи профилактика турларини диспансер назорати босқичлари билан биргаликда олиб бориш усулларидан устивор томонларга эгаллиги ҳам мазкур илмий изланишнинг амалий жиҳатдан муҳимлигини белгилайди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитларнинг фенотипик кечиш хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғини шароитида ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитни эрта ташхислаш» номли (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 16.06.2015 й. 8н-р/562 – сонли маълумотномаси) услубий тавсияномаси тасдиқланган. Мазкур услубий тавсиянома Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи ва иккиламчи бўғинида фаолият юритиб келаётган умумий амалиёт шифокорларга ва тор доирадаги мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, ТСЕни эрта ташхислаш ва беморларни назорат қилиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

«Сурункали панкреатитда ташқи секретор етишмовчиликнинг ташхислаш мезонлари» номли (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 09.11.2017й. 8н-р/164 - сонли маълумотномаси) услубий тавсияномаси тасдиқланган. Мазкур услубий тавсиянома ташқи секретор етишмовчиликнинг фенотипик белгиларини эрта аниқлаш ва беморларда сурункали панкреатитнинг асоратларини олдини олиш ҳамда ўз ўзини назорат қилиш имконини берган;

Касалликни эрта ташхислаш ва олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Тошкент шаҳар 3 – клиник шифохонаси ҳамда РИТ ва ТРИАТМ гастроэнтерология, терапия бўлимлари клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 27 июл 2019 йилдаги №8-з/120 - сонли хулосаси). Амалиётга тадбиқ этилган натижалар ёрдамида ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитни олдини олиш, ташхислаш сифатини яхшилаш ва асоратлар сонининг камайиши, реабилитация ва диспасер назорати билан ўзаро боғлиқлигини асослаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали панкреатитнинг фенотипик хусусиятларининг замонавий асослари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шархи келтирилган. Бунда ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитнинг эпидемиологик ва этиопатогенетик хусусиятлари, СПнинг патологик ва морфологик ўзгаришлар занжири кенг ёритилган. Сурункали панкреатитнинг ривожланишида хавф омилларининг аҳамияти ва таснифланиши, меъда ости безининг зарарланишига бевосита ва

билвосита таъсир қилувчи омилларга алоҳида аҳамият берилган. Ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитнинг клиник кечиш хусусиятлари, ташхислаш усулларининг ўзига хос томонлари, амалиётдаги камчиликлар ва муоммоларга эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот манбалари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот усуллари, ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган. Клиник материалнинг умумий белгилари берилган. Сурункали панкреатит билан оғриган беморларда меъда ости беши шикастланишига олиб келувчи омиллар ва уларни таркибини аниқлаш мақсадида ҳамда СП беморларда сўраб суриштириш, кўздан кечириш давомидаги аниқланган ўзгаришларни, меъда ости безининг шикастланиш даражасини, умумий клиник, биокимёвий, ултратовуш текширувлар ва қўлланилган дори воситалари таҳлиллари даражасини ўрганиш учун 2015-2017 йилларда ТТА 1-клиникаси гастроэнтерология бўлимида даволанган 607 нафар беморнинг касаллик тарихномалари ретроспектив таҳлили тадқиқотнинг биринчи босқичида амалга оширилди.

Иккинчи босқичда проспектив тадқиқотга, 2016-2018 йилларда ТТА 1-клиникасининг гастроэнтерология бўлимида даволанган 100 нафар СП билан касалланган беморлар киритилган. Тадқиқотга киритилган беморлар ёши 18 дан катта бўлиб, аёл ва эркак жинсига мансуб шахслардан иборат бўлди. Тадқиқот жараёнида СПнинг турли хавф омилларини инобатга олган ҳолда M-ANNHEIM кўп омилли таснифи қўлланилди. Барча текширув жараёнидан ўтган беморлар икки гуруҳга ажратилди. Солиштирилаётган гуруҳ таркиби 48 (48,0%) нафар СП ташхисланган беморлардан иборат бўлиб, асосий гуруҳга -52 (52,0%) нафар ташқи секретор етишмовчилиги ривожланган СП ташхисланган беморлар киритилди.

Текширув жараёнида беморларнинг ёш кўрсаткичлари бўйича таҳлили мазкур касаллик билан кўпинча 30 дан 60 ёшгача бўлган беморларнинг касалланишидан далолат берди. Биринчи гуруҳда беморларнинг ўртача ёши  $39,2 \pm 0,7$ , иккинчи гуруҳда эса  $41,6 \pm 0,8$  ни ташкил этди.

Тадқиқот мобайнида қандли диабет, оғир юрак ва қон томир касалликлари, ўткир яллиғланиш касалликлари, оғир даражадаги ташқи секретор етишмовчилик ҳолатлари аниқланган беморлар киритилмади.

Шу билан бирга махсус тадқиқот усулларида қонда амилаза турғун крахмал субстрати ёрдамида (Карвей бўйича) унифицирлашган усул билан, липаза эса - FP-9O1M («Labsystems», Финляндия) FP-9O1M анализаторида аниқланди. Вольгемут усули бўйича аниқланган сийдик диастазаси крахмалнинг диастаза билан ҳазм бўлишига асосланган бўлиб, қонда амилаза фаоллиги йиғиндисини (S ва P фракциялар) баҳолаш асосий усуллардан бўлиб, клиник амалиётда кенг қўлланилади. Амилаземия даражасини амилазоуремия даражаси билан паралел равишда баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Олинган натижалар яъни амилаза ва липаза Бир/л ва диастаза Бир.да изоҳланди.

Меъда ости беши экзокрин фаолиятини баҳолашда копрологик текширув натижалари таҳлил қилинди. ТСЕ мезонларига стеаторея, креаторея,

амилорея киритилди. Стеаторея, креаторея ва амилаорея микдорий баҳоланиши «мавжуд эмас», «+», «++» и «+++» кўринишида белгининг кучайишига кўра изоҳланди. Стеаторея ва креатореянинг ташхисий аҳамиятга эга «++» ва ундан ортиқ ҳолида, амилаорея эса «+» аниқланганда ҳам инобатга олинди.

Тадқиқотга жалб этилган беморларда панкреатик эластаза-1 концентрацияси иммунофермент таҳлил (ELISA) усули ёрдамида ТТА қошидаги МИТЛ (Азизов Ё.Х)да «Bioserv» фирмаси тестларини қўллаган ҳолда аниқланди. Бунда панкреатик эластаза кўрсаткичлари >200 мкг/г - меъёрий, енгил даража 200-150 мкг/г, 150–100 мкг/г ўрта оғир даражада кечиши тафовут қилинди.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Microsoft Office - 2012 персонал компьютери ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитли беморларда хавф омиллари ва фенотипик белгиларнинг ривожланиши**» деб номланган учунчи бобда СП билан касалланган беморларда меъда ости беши шикастланиш даражаси натижалари келтирилган.

Ўтказилган ретроспектив таҳлил натижаларига кўра беморларнинг жинсига кўра СПнинг кузатилиши инобатга олиниб, икки гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ – 362 (59,6%) нафар СП билан хасталанган аёллар ва иккинчи гуруҳ - 245 (40,4%) нафар СП билан касалланган эркеклар гуруҳи фарқланиб, беморларнинг ўртача ёши  $46,7 \pm 2,4$ ни ташкил этди. Бу ўз навбатида СП нинг аёллар орасида учраш частотасининг нисбатан юқорилиги ва эркеклар ўртасида СПнинг эрта ривожланиши хорижий тадқиқот ишлари ҳамда эпидемиологик тадқиқотларда акс эттирилган сўнгги маълумотларга мослигидан далолат берди.

СПнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллардан бири бўлган овқатланиш характери ўрганилиб, жалб қилинган беморларнинг кундалик овқат таркиби, тури ва тартиби инобатга олинди. Биринчи гуруҳда нораціонал овқатланиш 340 нафар (93,9%) беморда, иккинчи гуруҳда эса 228 нафар (93%) беморда кузатилди. Овқатланиш характерига кўра нисбатан кўп истеъмол қилинувчи махсулотлар яъни ёғли таркибга эга таомлар устунлиги биринчи гуруҳда – 337 нафар (93,1%), ўткир, аччиқ таомларнинг устунлиги иккинчи гуруҳда – 179 нафар (73%) кузатилди. Иккинчи гуруҳда тузли ва ҳамирли овқатларни кўп истеъмол қилиш 184 нафар (75,1%) ва 205 нафар (83,7%) мос ҳолда кузатилиши аниқланди. Шу билан бирга биринчи гуруҳда овқатланиш частотаси нисбатан камлиги кузатилди.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, ретроспектив таҳлилга жалб қилинган касаллик тарихларида СПнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи энг асосий омиллардан алкоголь истеъмол қилиш ва тамаки чекишга доир саволлар тўлиқ акс эттирилмаган.

Ёндош касалликлар баҳоланганда биринчи гуруҳда сурункали гастрит, сурункали холецистит ва ХЭЖдан кейинги ҳолатнинг нисбатан кўп учраши кузатилди. Иккинчи гуруҳда эса ошқозон яра касаллиги, жигар циррози ва

ичак таъсирланиш синдромининг нисбатан кўпроқ учраши қайд этилди. Бошқа касалликлар эса кескин тебранишсиз деярли бир хил нисбатда кузатилиши аниқланди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, анамнез маълумотларига кўра ўткир респиратор касалликлар иккала гуруҳда ўртача 99% ҳолатда касаллик тарихида акс этирилган. Нейроциркулятор дистония эса ёндош ҳолат сифатида иккинчи гуруҳда 10% устунлиги билан ўртача 54% ҳолатларда қайд этилган.

Асосий шикоятлар кўлами таҳлил қилинганда 1 гуруҳда шикоятлар бўйича қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: эпигастрал соҳадаги оғриқ - 362 (100%), ўнг қовурға остидаги оғриқ - 276 (76,2%), кўнгил айниши - 252 (69,6%), зарда қайнаши - 337 (65,4%), қабзият - 302 (83,4%), оғирлик ҳисси - 212 (58,5%), бош оғриғи - 282 (78%), умумий ҳолсизлик - 356 (98,3%), асабийлашиш - 308 (85%). Иккинчи гуруҳда эса – эпигастрал соҳадаги оғриқ - 327 (96,7%), ўнг қовурға остидаги оғриқ - 202 (82,4%), кўнгил айниши - 186 (76%), зарда қайнаши - 193 (78,7%), оғирлик ҳисси - 188 (76,7%), бош оғриғи - 212 (86,5%), асабийлашиш - 217 (88,5%) кузатилди. СПга хос бўлган бошқа – метеоризм, қусиш, диарея, иштаҳанинг пасайиши каби шикоятлар таққосланганда кескин тебранишсиз кам нисбатда кузатилган.

Тиббиёт муассасасига мурожат қилган беморларга тавсия қилинган ва ўтказилган лаборатор - инструментал текширув режаси таҳлилига кўра иккала гуруҳдаги беморларга СПнинг, хусусан ташқи секретор етишмовчиликни ташхислаш мезонига кирувчи панкреатик эластазани аниқлаш усули умуман ўтказилмаганлиги аниқланди.

Шу билан бирга сурункали панкреатини аниқлаш ва тўғри олиб боришга имкон яратувчи асосий текширув усуллари - копрология, амилаза, диастаза ва қорин бўшлиғи КТ, МСКТ текширув усуллари тўлиқ ҳажмда тавсия қилинмаган.

Ретроспектив таҳлил маълумотларига асосланиб, ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи СПни ташхислаш, кечиш хусусиятларига доир маълумотларни ҳар тамонлама баҳолашга эга бўлмаганимиз учун, шу йўналишда проспектив изланишлар ва тадқиқотлар ўтказишга қизиқиш уйғонди.

Кўйилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида тадқиқотга жалб этилган СП билан хасталанган 100 нафар бемор тафтиш доирасига жалб этилди. Барча беморлар шикоятлари, тана вазни индексининг ўзгариши, кўздан кечиришдаги клиник белгилари, лаборатор – инструментал текширув усуллари хусусан амилаза, копрология ҳамда нажасда панкреатик эластаза текшируви натижаларига кўра икки гуруҳга - ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи СП билан хасталанган асосий гуруҳ ва ташқи секретор етишмовчилик ҳолати инкор этилган солиштирма гуруҳларга ажратилди.

Экзокрин етишмовчилик даражаси бўйича асосий гуруҳдаги беморларда асосан 29 нафариди (55,8%) енгил ва 23 нафариди (44,2%) ўрта даражадаги ташқи секретор етишмовчилик ҳолати аниқланди.

Таҳлил жараёнида ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи СПнинг хавф омиллари билан ўзаро боғлиқлиги бўйича асосий гуруҳда

эфферент омилларнинг 19 нафар (36,6%), алкоголь истеъмол қилиш билан боғлиқ 15 нафар (28,8%), аралаш омилларнинг 12 нафар (23,1%) ва овқатланишга боғлиқ омилнинг 6 нафар (11,5%) беморда аниқланиши қайд этилди.

Илмий тафтиш жараёнида ўрганилаётган асосий ва солиштирма гуруҳга жалб этилган беморлар томонидан билдирилган шикоятлар таҳлили куйидаги кўринишга эга бўлди (1-жадвал): эпигастрал соҳадаги оғриқ солиштирма гуруҳдаги 28 нафар (58,3%) беморда, асосий гуруҳда эса 46 нафар (88,5%) беморда ( $P < 0,001$ ;  $\chi^2 = 11,78$ ), қовурға остидаги оғриқ солиштирма гуруҳда 20 нафар (41,7%) беморда, шу жумладан асосий гуруҳда 35 нафар (67,3%) беморда ( $P < 0,001$ ;  $\chi^2 = 6,63$ ) аниқланди.

СПнинг клиник манзарага хос аломатлар орасида ташқи секретор етишмовчилиги кузатилган гуруҳда диарея синдроми ишончли равишда 48 нафар беморда кўпроқ учраши (92,3%) ( $P < 0,001$ ;  $\chi^2 = 39,92$ ) ва астения синдромининг 30 нафар беморда (57,7%) ( $P < 0,001$ ;  $\chi^2 = 10,05$ ) кузатилиши эътиборга лойиқ бўлди.

СП билан хасталанган беморларнинг ўртача тана вазни индекси (ТВИ)  $22,3 \pm 0,9$  кг/м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Ҳар иккала гуруҳ беморларининг ТВИ кўрсаткичлари таққослаш жараёнида тана вазнининг етишмовчилиги 1 гуруҳда 3 нафар (6,3%) ва 24 нафар (46,2%) беморда ( $P < 0,001$ ;  $\chi^2 =$ ) аниқланди. Меъёрий тана вазни кўрсаткичи бўйича 1 гуруҳдаги беморлар сони 2 гуруҳдаги беморлар сонига нисбатан 1,4 баробар кўплиги кузатилди.

Таҳлил натижасида 24 нафар (47%) беморларда нажас консистенциясининг бўтқасимон бўлиши, суюқ ва ёғли консистенция 7% беморларда ҳамда 36% беморда шаклланмаган, 10% беморларда эса шаклланган консистенцияда эканлиги аниқланди.

Ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитда ТВИ кўрсаткичлари билан биргаликда тана массаси ёғ қатлами қалинлиги, конституционал тип ўрганилди. Бунда антропометрик текширувлар мажмуасига кирувчи калиперометрия усули қўлланилди.

**1-жадвал.**

**Сурункали панкреатит билан хасталанган беморлар шикоятларининг тавсифланиши**

Шикоятлар	Солиштирма гуруҳ (n=48)		Асосий гуруҳ (n=52)		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
Эпигастрал соҳадаги оғриқ	28	58,3	46	88,5	11,78	<0,001
Ўнг қовурға остидаги оғриқ	20	41,7	35	67,3	6,63	<0,01
Иштаҳанинг пасайиши	17	35,4	38	73,1	14,30	<0,001
Метеоризм	36	75,0	48	92,3	5,56	<0,001
Кўнгил айнаши	21	43,8	33	63,5	3,90	<0,05

Қушиш	7	14,6	18	34,6	5,34	<0,05
Кекириш	16	33,3	38	73,1	15,87	<0,001
Зарда қайнаши	12	25,0	26	50,0	6,62	<0,01
Сўлак ажралишининг кучайиши	8	16,7	21	40,4	6,82	<0,01
Диарея	15	31,3	48	92,3	39,92	<0,001
Қовурға остидаги оғирлик	24	50,0	45	86,5	15,58	<0,001
Қабзият билан ич кетишининг алмашиниши	26	54,2	42	80,8	8,12	<0,01
Тана вазнининг камайиши	12	25,0	30	57,7	10,95	<0,001

Олинган маълумотлар қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланиб, олинган натижалар қайд этиб борилди (2 - жадвал):  $PMT$  (эркаклар) =  $48 \text{ кг} + (\text{бўй, см} - 152) \times 1,1$ .  $PMT$  (аёллар) =  $45 \text{ кг} + (\text{бўй, см} - 152) \times 0,9$

2-жадвал.

**Беморларда аниқланган калиперометрия ва конституционал типга хос кўрсаткичларнинг тафтишланиши**

Тана массаси қалинлиги кўрсаткичлари	Асосий гуруҳ (n=52)				
	абс	%	Конституционал тип	абс	%
< 70%	4	7,7	Астеник тип ўткир < 900	6	11,5
70-72%	17	32,7	Нормостеник тип бурчак -900	36	69,2
73-75%	23	44,2	Гиперстеник ўтмас бурчак > 900	10	19,3
75-80%	8	15,4			

Олинган маълумотлар бўйича шуни айтиш жоизки, текширувга жалб этилган барча беморларнинг ўртасида олиб борилган калиперометрик текширувида 23 нафар (44,2%) беморларда аниқланган кўрсаткичнинг 73-75% га ўзгариши қайд этилди. Ўз набатида конституционал тип бўйича ҳам ўртача 40,3 % беморда астеник типга мойиллик кузатилди.

Фенотипик белгилар бўйича тери ва унинг ортиқлари бўйича қуйидаги аломатлар яъни тери рангининг ўзгариши, пайпаслаганда тери хусусиятларининг ўзига хослиги, тери тургорлигига доир бир қатор хусусиятлар фарқланди (1-расм).



Таҳлил натижаларига кўра беморларда кузатилган лаблардаги ўзгаришлар доирасида гиперемия билан асоратланган вертикал ёрилишлар 46,1%ни, тилдаги ўзгаришлар бўйича тил юзасидаги донодорликнинг 36,6% беморда ҳамда милк ва тишлардаги ўзгаришлар бўйича милкларнинг қонаб кетиши 42,3% беморларда қайд этилди.

Бу ўзгаришлар ташқи секретор етишмовчиликда модда алмашинувининг сусайиши, витаминлар танқислиги ва периферик қон айланишининг бузилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида илмий тафтишга жалб этилган беморлардан олинган анамнестик ҳамда аниқланган фенотипик белгиларнинг миқдорий кўрсаткичларини баҳолаш доирасида баллар орқали ифодаланувчи шкала яратиш мақсадида қуйидаги тартибдаги миқдорий баҳолаш татбиқ этилди. Баҳолаш тартибини шакллантиришда 3 баллик тизимдан фойдаланилди (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**Ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи СПнинг миқдорий баҳолаш даражалари**

Ажратилган баллар	Баҳолаш мезонлари
0- балл	экзокрин етишмовчиликка хос белгиларнинг яққол намоён бўлиши
1- балл	экзокрин етишмовчиликка хос белгилар ўртача сезиларли даражада кузатилиши
2- балл	экзокрин етишмовчиликка хос белгилар енгил даражада ифодаланиши
3- балл	экзокрин етишмовчиликка хос белгилар қайд этилмайди

Тадқиқот жараёнининг кейинги босқичида юқоридаги маълумотлар яъни анамнестик ва фенотипик белгиларнинг ўзига хос хусусиятлар кўринишида намоён бўлиши ҳамда қайд этилган маълумотларнинг ўзаро алоқадорлигини инобатга олган ҳолда, даражаланган баҳолаш тартибига асосланган ҳолда сурункали панкреатитда ташқи секретор етишмовчилик ҳолатини ташхислаш мезонлари шакллантирилди ва қуйида келтирилган шкала (4-жадвал) кўринишида татбиқ этилди.

**4-жадвал**

**Сурункали панкреатитда ташқи секретор етишмовчиликни баҳолаш мезонлари шкаласи**

<b>Ф.И.Ш:</b>	<b>Сана:</b>
<b>Жинси:</b>	<b>Бўйи, см:</b>
<b>Ёши :</b>	<b>Вазни, кг:</b>
<b>АНАМНЕСТИК МАЪЛУМОТЛАР</b>	<b>ФЕНОТИПИК БЕЛГИЛАР</b>
<b>Сўнгги 3 ой мобайнида тана вазнининг камайиши</b>	<b>Тана вазни индекси (ТВИ) =вазн, кг / (бўй м)<sup>2</sup></b>
0= вазннинг 3 кг дан ортиқ камайиши	0= ТВИ 19 дан кам
1= вазннинг 1-3 кг га камайиши	1= ТВИ 19 – 21 гача

2= вазнининг 1 кг гача камайиши 3= вазнининг ўзгармаганлиги	2= ТВИ 21 – 23 гача 3= ТВИ 23 ва ундан ортиқ
<b>Диарея синдроми</b> 0= сўнгги 6 ой мобайнида ич келиш частотаси кунига 3 мартадан кўп 1= сўнгги 6 ой мобайнида ич келиш частотаси кунига 2-3 марта 2= сўнгги 6 ой мобайнида ич келиш частотаси ҳафтасига 2 маротаба диарея 3= диарея кузатилмайди	<b>Тана массаси ҳажмини аниқлаш (калипирометрия)</b> ТМХ (эркаклар) = 48 кг + (рост, см - 152) x 1,1; ТМХ (аёллар) = 45 кг + (рост, см - 152) x 0,9. 0= < 70% 1= 70-72% 2= 73-75% 3= 75-80%
<b>Нажас консистенцияси</b> 0= суюқ, ёғсимон 1= бўтқасимон 2= шаклланмаган 3= шаклланган	<b>Конституционал тип</b> 0= астеник тип ўткир < 900 1= нормостеник тип бурчак -900 2= гиперстеник тип ўтмас > 900
<b>Диспептик аломатлар</b> 0= тез тез кўнгил айнаши ва қусиш 1= даврий равишда кўнгил айнаши ва қусиш 2= даврий ҳолда кўнгил айнаши 3= кузатилмайди	<b>Дисхромия</b> 0= мусбат Бартельхеймер симптоми (МОБ проекциясида терининг қорайиши), нотабий кулранг тусдаги рангпарлик, локал зоналарда тери гиперемияси 1= рангпарлик, сарғимтир тус билан 2= терининг сарғимтирлиги 3= тери одатдаги рангда
<b>Иштаҳа</b> 0=овқат истеъмол қилишнинг яққол кам. 1=овқат истеъмол қилишнинг ўртача кам 2= иштаҳанинг даврий равишда пасайиши 3= иштаҳанинг ўзгармаслиги	<b>Ксероз</b> 0= терининг қуруқлиги ва/ёки қипикланиши 1= қуруқлиги ва тортилиш ҳиссининг мавжудлиги 2= терининг енгил таъсирчанлиги 3= ўзига ҳос ўзгаришларсиз
<b>Қориннинг дам бўлиши /метеоризм</b> 0= доимий характерга эга бўлиб, ичак қулдиллаши кузатилади 1= тўлқинсимон характерга эга 2= айрим ҳолатларда безовта қилади 3= безовта қилмайди	<b>Тери тургорлиги ҳолати</b> 0= эластикликнинг камайиши, ажиндорлик 1= юпқаланиши ва осилувчанлиги 2= бўшашганлик ва зичликнинг камайиши 3= тери тургорлиги сақланган
<b>Абдоминал оғриқ /локализацияси</b> 0= оғриқ қорин марказида, тананинг орқа томонига узатилинади 1= қориннинг юқори ва ўрта соҳаларида	<b>Теридаги ўзгаришлар</b> 0= мусбат Грота симптоми (МОБ проекцияси соҳасида тери ости ёғ қатламининг атрофияси, тирсак

оғирлик ҳисси 2= чап қовурға –умуртқа бурчаги соҳасидаги даврий оғриқлилик 3= оғриқ безовта қилмайди	соҳасида гиперкератоз 1= геморрагиялар, тери ва шиллик каватлардаги петехиялар 2= қўшимча геморрагиялар 3= ўзгаришларсиз
<b>Абдоминал оғриқ /характери</b> 0=овқат истеъмол қилгандан сўнг кучаювчи, 4-5 соат давомийликка эга 1= айрим вақтларда тунги оғриқлар, 1-3 давомийликка эга оғриқлар 2= парҳезга риоя қилмаслик фонидаги оғриқлар, турли хил давомийликка эга 3= ўзига хос ўзгаришларсиз	<b>Тери капиллярлари резистентлиги баҳолаш (петехиялар сони)</b> 0= ҳисоблаш имкони йўқ, қўшилган реакция 1= тож кўринишида жойлашган 30 дан ортиқ петехиялар 2= 6 дан 30 тагача 3= 6 тагача
<b>Астенизация белгилари</b> 0= доимий мушаклардаги ҳолсизлик, тез чарчаш, уйқунинг бузилиши 1= ланжлик, даврий мушаклардаги ҳолсизлик, таъсирчанлик 2= тез чарчаш, меҳнат қобилитининг пасайиши 3= ўзига хос ўзгаришларсиз	<b>Тери ортиқларининг ўзгариши</b> 0= койлонихия, соч тўкилиши 1= тирноқ ва сочларнинг синувчанлиги 2= тирноқ дистрофиялари 3= ўзгаришларсиз
<b>Нейропсихологик муоммолар</b> 0= яққол деменция ёки тушқунлик ҳолати 1= ўртача намоён бўлувчи деменция ёки тушқунлик 2= ўз ўзини баҳолашнинг сусайиши 3= психологик муоммоларнинг инкор этилиши	<b>Кўзлар ҳолати</b> 0= куруқлик ҳисси, қалинлашиши, кўз олмаси очик қисми конъюктиваси пигментацияси 1= кўз олмаси очик қисми конъюктиваси пигментацияси, ялтироқлик ва тиниқликнинг камайиши 2= конъюнктура рангпарлиги 3= ўзгаришларсиз
<b>Бошқа симптомлар</b> 0= суяклардаги оғриқ ҳисси, мушакларда тортишишлар 1= даврий юрак уриб кетиши, ҳансираш ҳисси 2= бош айланиши 3= бошқа белгилар мавжуд эмас	<b>Лаблар ҳолати</b> 0= икки томонлама лаб бурчакларида эрозия ва ёриқлар 1= лаб бурчакларида пушти ёки оқиш чандиқчалар 2= гиперемия билан асоратланган вертикал ёриқлар 3= ўзгаришларсиз
